ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ
ХИВА ШАҲАР
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XORAZM VILOYATI
XIVA SHAHAR
HOKIMI
QARORI

"08" ЯНВАРЬ 2018 йил № 11

Хива шаҳар

Хива шаҳрининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва маҳаллий бюджетининг параметрлари тўғрисида

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги *(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда)* Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-I-сон*) 99-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ–3454-сонли қарори ҳамда Хоразм вилоят хокимининг 2018 йил 5 январ 5к-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-3454-сонли қарори ҳамда Хоразм вилоят хокимининг 2018 йил 5 январдаги "Хоразм вилоятининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва маҳаллий бюджетининг параметрлари тўғрисида"ги 5к-сонли қарорлари раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. 2018 йилга мўлжалланган шаҳар маҳаллий бюджетининг:

Шаҳарнинг 2018 йилги маҳаллий бюджетининг асосий параметрлари 1-иловага* мувофиқ;

шаҳар маҳаллий бюджетларининг 2018 йилги даромадлари ва харажатлари ҳажмлари, вилоят бюджетидан ижтимоий соҳа учун трансфертлар миқдорлари 2-иловага* мувофиқ;

шаҳар маҳаллий бюджетига умумдавлат солиқлари тушумларидан ажратмалар нормативлари 3-иловага* мувофиқ;

Scanned by CamScanner

шаҳар маҳаллий бюджетининг нақд пул касса айланмасининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари 4-иловага* мувофиқ;

шаҳар маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси миқдорлари 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Шаҳар молия бўлими (Бекчанов)га (даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса тафовутларини қоплаш учун) тегишли маҳаллий бюджетга бюджетдан трансфертлар ва ссудалар ажратишда уларнинг миқдорларини барча солиқлар ва тўловларнинг тўлиқ тушишидан, шунингдек иш ҳақи (ягона ижтимоий тўлов билан бирга), нафақалар ва уларга тенглаштирилган тўловлар бўйича маҳаллий бюджетнинг харажатларини молиялаштириш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда аниқлаштириш топширилсин.

4. Шаҳар молия бўлимининг 2017 йилги ноябр, декабр ойлари шаҳар маҳаллий бюджети даромадларини 4.3 млрд.сўм ва харажатларини 6.7 млрд.сўм миқдорида аниқлаштириш тўғрисида таклифи қабул қилинсин.

5. Мазкур қарор “Хива тонги” газетасида эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари У.Яқубов зиммасига юклатилсин.

Хива шаҳар ҳокими: **Э.Яқубов**

*иловалар рус тилида берилади

Scanned by CamScanner